

ТАРБИЯСИ ОФИР ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Баходиров Азизбек Аваз ўғли,

Тошкент давлат педагогика университети магистранти

Телефон: +99896 076-77-67

E-mail: azizkhan.bakhadirov@gmail.com

Ушбу мақолада республикамизда ёшлар билан ишлашнинг янги босқичга олиб чиқилганлиги ургу берилиб, яратилаётган имкониятлар ҳамда ёшларни қўллаб-куватлашда ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилиши белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритилган бўлиб, шунингек, ёшлар томонидан эса яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан муайян даражада “жиноят”ларнинг бўлиб туриши ҳақли равишда ҳамда жамиятда безовталикни вужудга келтириши, бундан ташқари тарбияси оғир ўсмирлар характеридаги “оғиш”ларин аниқлаш, тарбияси “оғир” ўсмирлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари мақолада тарбияси оғир ўсмирларни ўрганиш тамойилларининг боғлиқлиги ва уларнинг аҳамияти очиб берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: жиноят, ўсмирлик даври, тарбияси оғир, ахлоқ, психологик хусусиятлари, тарбия, ёшлар, ислоҳот, ҳуқуқий тарбия ва маданият, қарор, вояга етмаганлар.

ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ СРЕДИ ТЯЖЕЛЫХ ПОДРОСТКОВ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ.

Аннотация:

В данной статье подчеркивается, что работа с молодежью в стране вышла на новый уровень, созданы возможности и задачи, которые предстоит решить для поддержки молодежи и улучшения здоровья населения, а также совершение определенных “преступлений” со стороны молодежи. и особенности работы с “трудными” подростками. Кроме того, в статье раскрывается взаимозависимость принципов обучения подростков с трудным воспитанием и их важность.

Ключевые слова: преступность, отрочество, трудное воспитание, морально-психологические особенности, воспитание, юность, реформа, правовое воспитание и культура, приказ, несовершеннолетние.

PREVENTION OF OFFENSES AMONG DIFFICULT TEENAGERS PSYCHOLOGICAL FACTORS.

Abstract:

This article emphasizes that the work with young people in the country has reached a new level, the opportunities created and the tasks to be performed to support young people and improve the health of the population, as well as the occurrence of certain “crimes” by young people. It is rightly considered to cause discomfort in the society, as well as to identify “deviations” in the character of adolescents with difficult upbringing, the specifics of working with “difficult” adolescents. In addition, the article reveals the interdependence of the principles of study of adolescents with difficult upbringing and their importance.

Key words: crime, adolescence, difficult upbringing, morality, psychological characteristics, upbringing, youth, reform, legal upbringing and culture, decision, juvenile.

Кириш Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-мухитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди. Психологик адабиётларда “оғишган хулқ” атамаси кўпинча девиант ахлоқ (девиатио – лотин тилида оғишган) синоними билан алмаштирилади. Келгусида биз ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи сифатида ҳар иккала атамани яъни, “оғишган”, “девиант” сўзларини кўллаймиз. Бунда биринчи атама илмий, аниқ ва ўрганилган бўлгани сабабли кўпроқ афзал кўрилади. Ўрганилаётган тушунчанинг мураккаблиги ҳамда, унинг фанлараро характерга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирги вақтда атамадан иккى асосий мазмунда фойдаланилади. Девиант хулқ, биринчидан, “расман ўрнатилган ёки ҳақиқатда ушбу жамиятда юзага келган меъёрларга мос келмайдиган муомала ва инсон ҳаракати” маъносида психология, педагогика ва психиатрияning предмети сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, “Инсон фаолиятининг оммавий ва мустақкам шаклларга нисбатан ифодаланувчи ва расман ўрнатилган ёки ушбу жамиятда ҳақиқатда мавжуд бўлган меъёрлар ва умидларга мос тушувчи ижтимоий кўриниш” – маъносида у социология, ҳуқуқ, ижтимоий психологияning предмети ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Хулқ-аворидаги салбий оғишлар ҳақида З.Нишанова, Д.Абдуллаева, Г.Байкунусова томонидан “Ўсмирлик даври психодиагностикаси ва психокоррекцияси” номли услугубий қўллама давомида ўсмирлик даврининг хусусиятлари ҳақида ёритилган.

Шунингдек, ўсмирик даврини ўрганиш бўйича психодиагностик услублари келтирилган.

Бундан ташқари, XX асрнинг охирларида болаларни ижтимоий ва психофизиологик ўзгаришларга қараб В.Клайн (1991) ёш қонун бузарларни олти типга ажратади.

1. “Эси паст”. Уларнинг хулқ-авторида шўхлик, ёқимсиз ҳатти-ҳаракатлар етакчилик қиласи.

2. “Ота-онанинг душмани”. Бу тоифадаги ўсмирлар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан отаоналарини қийин ҳолатга қолдирадилар, уларга норозилик ҳиссини очиқ-ойдин билдирадилар.

3. “Ахлоқсиз бола”. Бундай ўсмирлар асоциал йўналишга эга. Уларнинг ҳиссий ва интеллектуал тараққиётида ўзгаришлар йўқ, хулқ-творларида ҳам яққол оғиш кузатилмайди. Уларда қонун бузарлар билан алоқада бўлишга мойиллик бор.

4. “Органик”. Бу тоифадаги болаларда миядаги лат ейиш, ёки ақлий тараққиётдан ортда қолиши хос. Натижада боланинг интеллектуал ривожланиши ортда қолади бу эса тартиб-интизомни ҳамда хулқ- авторнинг бузилишига олиб келади.

5. “Психотиклар”. Ақлий етилмаган, касалманд болалар бўлиб, улар учун галлюцинация, жиноий ҳаракатлардан хурсанд бўлиш, бузғунчи фикрлар хукмронлик қиласи.

6. “Наслий бузуклик”. Бу тоифадагилар бирламчи психопатлар ҳисобланадилар. Улар учун жиноий ҳатти-ҳаракат қилиш одатий ҳолга айланади. Наслий бузукларда ҳатти-ҳаракатлар илк ёшлигига олиб намоён бўладики, асоциалланишга мойил.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Тадқиқотчиларнинг ишлари билан танишиш шуни кўрсатадики, потохарактерологик хусусиятларни бартараф қилиш учун маҳсус психокорекцион ишлар режасини тузиб чиқиши лозим. Бунда, акцентуасиянинг ҳар бир типи учун энг қучли шикастловчи психоген таъсири ажратилади. Ўсмир шу турдаги таъсирни назарда тутувчи вазиятларга ташланади.

Акцентуасиялашган ўсмир билан олиб борилувчи ушбу йўналишдаги психокорекцион тадбирни анализ қилган Э.Г.Эйдемиллер ва В.В.Юстиский З та асосий мақсадни ажратган.

1. Ўсмир учун мураккаб, қийин бўлган вазиятни танишга ўргатиш. Масалан, гипертиим типи учун бундай вазият, ўзининг энергиясини ушлаб туриш, лобиллатиб-эмосионал аҳамиятли шахслар томонидан инкор этилиши истироид типи шахс сифатидан эътиборан етишмаслиги ва ҳоказо.

2. Ўсмир учун кийин бўлган вазиятларни объективлаштириши уларни худди ташқаридан кузатаётгандек карашга ўргатиш, ўсмирни бундай вазиятларни анализ қилишни. шахсий хатолар асосидаги тажрибадан маҳсулдор фойдаланишни ўргатиш.

3. Ўсмир учун мураккаб бўлган вазиятларда хулқнинг мумкин қисмларни диапазонини кенгайтириш, авторларни аниқлашига, хулқ-атворни стандартлиги, стериотиплиги шахсга мос келмайдиган талаблар куйилаётган-лигидаги ёрқин кўзга ташланади.

Бизнинг фикримизча бундай психокоррекцион тадбир методикаси маҳсус ташкил қилинган психотерапия гурухларида ҳам қийин вазият кундалик мактаб ҳаётидан олингандаги ҳам қўлланиши мумкин. Бу методиканинг кучи ўсмир хулқ-атворини ўзи ўзгартиромоқчи бўлгандагина масъулдордир.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Бугун республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук баркамол қилиб тарбиялашга алоҳидла аҳамият қаратилган бўлиб, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 25 декабрь куни “Humo arena” кўп тармоқли муз саройида “Ўзбекистон ёшлар Форуми”да иштирок этиб сўзлаган нутқида ҳам “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганинда сизларнинг ғайратшижоатингиздан куч-кувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва ҳалқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзузи билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”[10] деб ёшларни Ўзбекистоннинг бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида эътироф этиб, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга замин яратмоқда. Шунингдек, 2020 йил 29 декабрь куни, “Toshkent city” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва ҳалқига мурожаатномаси қабул қилиниб, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”[11] деб эълон қилинди. Дарҳақиқат, нурли келажак бугунги ўсмир ва ёшлар тарбияси билан узвий боғлиқ, деган холосага келиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли умумий сонининг 60%дан ортигини 18 миллион кучли, шиҷоатга эга, ғайратли ичига сифмаган ёш фуқаролар ташкил этади. [9] Ёшларни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида долзарб аҳамият касб этиб, бу борадаги ахволни яхшилаш мақсадида муҳим қонунлар қабул қилинган ва кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Миллий тарбия бўйича мутахассис профессор М.Қуроновнинг миллий тарбиянинг аҳамияти билан боғлиқ қуидаги фикрлари эътиборга молик “Дунёда рўй берган, юз бераётган ҳар бир нотинчилик, низо, баҳтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тақалади. “Олдин пул, кейин маънавият” йўлини тутиш бўлиб чиқади. Уларнинг бу хатоси “дунёда бой берилган авлод” – “Lost generation” (депрессия шароитида туғилган, худбир, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган ахлоқсиз кишилар тоифаси.) иборасини пайдо қилди. Бутун

бошли оиласлар моддий бойлик ортидан қувиб кетишиди. Фарзандлар тарбиясини эса бегоналарнинг қўлига топшириб қўйишиди. Тарбия (!) вақтларини тежаб, 10 пул фойда топишиди ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 плу сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана сизга “олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият” деб яшашнинг аянчли оқибати. “Бой берилган авлод” муаммосининг педагогик маҳсули” [1] дарҳақиқат ёшлар тарбиясига беътиборлик натижаси албатта “уз меваси”ни бермасдан қолмайди.

Ҳеч бир бола жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчи ким? У – ўзимизнинг боламиз, ўзимизнинг боғча, мактаб, коллежларни битирган. Биз – жамоатчилик уни тарбиявий, маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий, психологик эътибордан четда қолдирганимиз, миллий-тарбиявий, ҳуқуқий, психологик профилактик лоқайдлигимиз учун ўсмирнинг мафкураси бузилади. Шу ўринда “Ҳарбий тайёргарлик мухим, лекин ўқни қаёққа қараб отишни мафкура ҳал қиласи” деган машҳур ҳикмат ёдга тушади.

Ёшлар жиноятчилигининг генезисини Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси, ёшлар жиноятчилигини ўрганиш бўйича йирик мутахассис Тохир Малик қуйидаги таърифлайди “Хулиган” – англиялик бир безорининг насаби (фамилияси), ҳеч кимга сўз бермай, жанжал қилишда ном чиқарган бу йигитнинг насаби дунё бўйича атамага айланиб қолган. Аввалари, безори болаларни “самарска” деб ҳат аташарди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларда Самара шаҳридан ёпирилиб келгач оч-юпун болалар ўғрилик, талончилик билан шуғулланишган. Ҳалқ шуларга ўхшаган болаларни “самарска” деб атаган. Бундай болаларни шўхлик билан жиноятчи орасидаги тоифа десак ҳам бўлар. Шўхлик меъёридан ошса, шўмлик бошланади, бу вақтда тўхтатилмаса, жиноят эшикларини очади. Шу сабабли ҳам ҳалқда “Шўх бўлса майли-ю, шум бўлмасин”, деган гап бор.[8]

Демак, ёшлар жиноятчилигининг тарихи ва илдизи хийла узоқ ҳамда жуда элементар хусусиятига эга. Яъни боланинг оддий шўхлик доирасидан чиқиши, шумликка, ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноятга элтар экан. Барча замонларда ҳам ёшлар жиноятчилиги ўзига хос тарзда мавжуд бўлган.

Глобалистика ҳалқаро энциклопедик луғатида қайд этилишича, 1995 йилдан 2005 йилгacha дунёда 15 ёшдан 24 ёшгacha бўлган 1 млрд. 25 млн.дан 1 млрд. 153 млн.гача ўсган. XXI асрнинг бошигacha ёшлар дунё умумий аҳолисининг 18 фоизни ташкил этган. Дунё бўйича ёшларнинг 130 млн. саводсиз, 88 млн. ишсиз ва 10 млн. ОИВ/ОИТС касалига чалинган. Ёшлар томонидан жиноят содир этиш айrim мамлакатларда 30 фоизга ошган.[7] Мазкур маълумот ёшлар жиноятчилиги муаммоси ҳар бир замонда ўзига хос тарзда мавжуд бўлганининг далилидир.

Ёшлар жиноят содир этишида ёш хусусияти қандай аҳамиятга эга деган ҳақли савол ҳар бир ватандошимизни қийнаши табиий ҳолдир. Бунга илмий-назарий ҳамда амалий

жиҳатдан ёндашиш тўғри бўлади. 2010-2014 йилларда жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ўртача 20 фоизга яқинини 13-15 ёшдагилар, 80 фоизини 16-17 ёшдагилар, 8 фоизини эса қизлар ташкил этади.[6] Бундан маълум бўладики жиноят содир этишда ёшларнинг ўспириинлик даври етакчилик қилар экан.

Ўспириин – инсон тараққиётининг тахминан 15 ёшдан 18 ёшгacha бўлган даври. Ўспириинлик сўнгида, одатда йигит-қизлар жисмоний ва руҳий жиҳатдан балоғатга етадилар. Ўспириинлик давридаги шиддатли жисмоний ўсиш ўрнига ўспириинлик босқичида инсон вужудининг сокин тараққиёти кузатилади. Ўспириинликда жисмоний балоғатга эришилади, ўсмирилик ёшидаги юрак ва томирлар тараққиётидаги номувофиқлик ўрнини ички секреция безларининг ритмик ишлаши, қон босимининг бир хиллиги эгаллайди. Ўспириинлик одамда куч-кувват тўлиб тошган, интилишлар чегара билмайдиган, инсон романтик хаёллар оғушида яшайдиган даврdir. Ўспириинлар қаҳрамонликлар кўрсатишга, кўпчиликнинг эътифори ва эътиборини қозонишга интилиб яшашади. [5]

Илмий тадқиқотлардан [3] маълум бўлишича, болалар ва ўсмирилар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва уларнинг сабабларини ўрганмасдан туриб, уни фақатгина статистик жиҳатдан таҳлил қилиш билангина бундай ҳодисаларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб бўлмайди [4].

Шунга кўра, тарбиядаги нуқсонлар ва хулқ оғишининг сабабларини ўрганиш ушбу ҳодисанинг келиб чиқиши механизмлари ва шарт-шароитлари тўғрисида янада тўлароқ маълумот олиш имкониятини беради.

Кузатишларимиздан [2] маълум бўлишича, кўпинча ўқувчилардаги тарбия бузилиши оиласидаги ва таълим тизимидағи педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади.

Педагогик-психологик қаровсизлик қўйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст – хатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги бекарорлик. Ўз “мен”ига ортиқча баҳо бериш. Асосан ёшига хос бўлган характер белгиларнинг устунлик қилиши.
2. Ўрта – катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низоларнинг эгоистик йўналишга асосланиши.
3. Юқори – салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳукуқбузарлик ошкора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкор бўлади.
4. Криминал – вояга етмаган ҳукуқбузарлар бўлиб, уларнинг хулқ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилик кўрсатадилар. Хатти-харакатларида тажовузкорлик кўпроқ учрайди.

Вояга етмаганлардаги ёш даври хусусиятига кўра фикр доирасининг торлиги, дунёқарашиб саёзлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан суст ривожланганлик ҳолати ҳам вояга етмаганларнинг хулқ-атворда нуқсонларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Чунки маънавий олами тор, дунёқарашиб ва ақлий тараққиёти ўзига яраша ўсмири бундай

пайтда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг ғайриқонуний томонларини излайди ва ўғрилик, йўлтўсарлик, босқинчилик жиноятларига кўл ўради. Натижада бундай ўсмирларда ғайриқонуний хулқ-авторнинг келиб чиқишига замин яратилади.

Холоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Тарбияси оғир ўсмирларнинг хукуқбузарлик содир этиши, жиноят кўчасига киришида аввалам бор оила, маҳалла, жамиятнинг ўрни катта бўлмоқда, қаровсизлик, “дўст”лари билан турли “хурмача” қиликлари, салбий унсурлари сезилиб турган тақдирда ҳам бефарқлик натижасида фарзандлар “тарбияси оғир” ҳолатга келиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас албатта, бу ҳолатларни бартараф этишда оиласидаги муҳит соғломлигига ургу қаратиш лозим бўлади шунингдек ота-оналарнинг ўзаро мулоқотларида ёки фарзанд тарбиясида ўта “шафқатсизлик” тамойили асосида тарбиялаш принципи ёхуд ўсмирларнинг ўтиш даврида “дилга яқин” инсонларга муҳтоҷлиги, бу муҳтоҷлик ота-она томонидан тўлдирилмаси “бегона”лар томонидан тўлдирилиши эса албатта хулқида салбий ўзгаришларни келтириб чиқариши табиий ҳолатдир. Сўз якунида буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир”, деган сўзларини ёдга олиш ўринлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куронов М. Болам баҳтли бўлсин десангиз..., (ота-оналар учун) – Тошкент. “Маънавият”, 2013 – 44-45-бет.
2. Умаров Б.М. Хулқ бузилишининг келиб чиқишида оила муҳити. // “Халқ таълимни” журнали. Т., 2001, 3-сон. -26-28-б;
3. Ганишина И.С. Неблагополучная семья и девиантное поведение несовершеннолетних: Учебное пособие. – М.: Издательство МПСИ, 2006. –С. 345;
4. Личко А.Е. Психология и акцентуация характера у подростков. – Л., 1983. –С. 125.
5. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). – Т.: “Ўзбекистон миллий энесикломуедияси” давлат илмий нашриёти, 2010. – 504-506-бет.
6. Криминология, Махсус қисм: Дарслик / И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасурова ва бошқ. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ академияси, 2015. – 9-бет.
7. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь / Гл. ред.: И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. – М.: “Елима” ИД “Питер”, 2006. – 577-с.
8. Малик Тоҳир. Жиноятнинг узун йўли. – Тошкент “DAVR PRESS” НМУ, 2016 – 18-бет.
9. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами, “Тафаккур Бўстон” нашриёти, 2019 йил – 8-бет.
10. <https://president.uz/uz/lists/view/4040>
11. <https://president.uz/uz/lists/view/4049>.